



«Абӯ Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло Ўзининг йўлида чиққан кишига кафил бўлиб: «Уни фақат Менинг йўлимда жиход қилиш, Менга бўлган иймон ва пайғамбарларимни тасдиқлаш жиҳодга олиб чиққан бўлса, Мен уни ё жаннатга киритишга ё эса уйига ажру-савоб ё ўлжаларга эришган ҳолда қайтишига кафилман», дейди. Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳ йўлида олинган ҳар бир жароҳат қиёмат куни жароҳат етган пайтдаги кўринишида, ранги қон рангида, ҳиди мушк ҳидида бўлиб келади. Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, мусулмонларга қийин бўлиб қолишини ўйламасам эди, Аллоҳ йўлида жангга чиққан биронта ҳам сарийя (отряд, гурӯҳ)дан ҳеч қачон қолмаган бўлардим. Бироқ, барчаларини жангга ҳозирлаш имкониятим йўқ. Улар ўзлари



ҳам имконият топишолмайди ва мен билан бирга жангга чиқишдан қолиш уларга оғир бўлади. Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, истардимки, Аллоҳ йўлида жанг қилиб ўлдирилсан, яна жанг қилиб, яна ўлдирилсан, яна жанг қилиб, яна ўлдирилсан» (Имом Муслим ривояти).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Шаҳид ўлим оғриқ-аччиғидан фақатгина сизлардан бирингиз (искабтопар) чақишидан топганчалик оғриқ топади» (Имом Термизий ривояти).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннатга кирган ҳеч бир киши бутун ер юзидағи нарсалар уники бўлиши эвазига ҳам яна дунёга қайтишни истамайди, фақат шаҳид (жаннатда) кўрган ҳурмат-эҳтиромлари боис яна дунёга қайтиб, яна ўн марта ўлдирилишни орзу қиласи» (Муттафақун алайҳ).



Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳұмодан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Шаҳиднинг
қарзидан ташқари ҳар қандай гуноҳи кечирилади» (Имом Муслим
ривояти).

Шарх:

Шаҳид – яъни Аллоҳ йўлида ўлдирилган кишига Аллоҳ ҳузурида буюк ажру-савоблар бор. У Аллоҳ ҳузурида кўрган ҳурмат-эҳтиромлари азбаройи кўплигидан яна дунёга қайтсан-у, Аллоҳ йўлида яна қайта-қайта ўлдирилсан, деб орзу қиласди. Шаҳид ўлим аччиқлигидан бор-йўғи бир пашша ё бурга чакқанчалик оғриқ сезади, холос. Бу эса Аллоҳ йўлидаги ўлимга жон деб рози бўлгани учун унга берилган мукофотлардан биридир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Жиҳоднинг мартабаси улуғ, у жаннатга киришнинг энг катта сабабларидан;
 2. Шаҳид буюк ажрларга эга бўлади, ўлим аччиғини деярли сезмайди;
 3. Шаҳидлик гуноҳларнинг каффорат бўлишига энг катта сабаблардандир.